



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 11 октябрь, шанба • №83 (11.574)

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН-ГРУЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов
9-10 октябрь кунлари дав-
лат ташрифи билан Грузия
Республикасида бўлди.*

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифта катта тайёргарлик кўрган – аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислон Каримовнинг сурати ва "Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!" сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Қрцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар,



қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи кuni кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган

масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: ташриф пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Шу йил 8 октябрь кuni вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуининг ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш бўйича 2003 йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ МАЖМУА МАЖЛИСИ

Унда вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуига қарашли бўлим ва бошқармалари ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоятда ижтимоий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, бу борадаги белгиланган дастур ва тадбирларнинг бажарилиши юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, жойларда маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида ҳам қатор тадбирлар ўтказилди. Жамоат ташкилотларининг фаолиятини жонлантиришга ҳаракат қилинди.

Айни пайтда бу борада эришилган салмоқли натижаларга қарамай, ишлар етарли даражада ташкил этилмаётганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, Кадр-

лар тайёрлаш миллий Дастури, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар айрим туман ва шаҳарларда талаб даражасида олиб борилмаётганлиги, жисмоний тарбия ва спорт, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларидаги муаммолар ҳам ўз вақтида ечимини топмаётганлиги таъкидланди. Айни вақтда бутун диққат-эътибор йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ҳамда соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилиши зарурлиги айтилди.

Мажмуа мажлисида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев, ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармаси бошлиғи Т. Умаралиев, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К. Ақромов ва бошқа бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) томонидан ташкиллаштирилган Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи учрашуви ниҳоясига етди.

БОЖХОНА ИДОРАЛАРИ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА


Божхоналар ҳамкорлиги қўмитаси ОТБнинг 1997 йилда таъсис этилган "Иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий дастур"ида белгиланган мақсадларни амалга оширишда иштирок этаётир. Ҳозирда ОТБ мазкур қўмитанинг котибияти вазифасини бажариб келмоқда.

Учрашувда иштирок этаётган томонлар Шарқий ва Марказий Осиё минтақаси божхона қўмиталари умумий ҳаракатлар режасининг янги таҳририни ва 2003-2004 йилга мўлжалланган ишлар режасини қабул қилди.

ЎЗА.

Муаммо, таҳлил, хулоса

ҲОСИЛ БОР, УНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЗАРУР



**Бунинг учун
жойларда қўл
теримини оммавий
ташкил этиш билан
биргаликда мавжуд
терим машиналари
қувватидан тўлиқ
фойдаланиш
чораларини кўриш
керак.**



Деҳқонлар яхши билишади — агар пахта обдон пишса, теримда унум, хирмонда барака бўлади. Чунки, биринчидан, чаноқлар лўппи, чигит тўқ бўлиб, тарози босади. Иккинчидан, қўлда ҳам, машинада ҳам пахта тўкиб-сочилмай, тоза терилади.

Ҳозир шундай пайт келди. Вилоятимиздаги аксарият майдонларда пахта яхши пишиб етилди. Биз бир қатор туманларда бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Бир теримдаёқ 30 центнердан ҳосил бераётган майдонлар бор. Демак, вақт ганимат, отни қамчилаш керак. Бўёғига «пайт пойлаш» хатоликдир. Бугун — 11 октябрь. Вақт кутиб турмайди. Ноябрда ҳосилнинг асосий қисмини саранжомлаб

олиш бугунги ҳаракатга боғлиқ. Бундай шароитда маҳаллий аҳолининг йиғим-теримда ёппасига ва фаол иштирок этишини рағбатлантириш чораларини кўриш билан биргаликда машина теримида ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўтган кuni вилоят бўйича жами 41 та машина, шу жумладан, 35 та «Кейс» комбайни, қўл теримида эса 180 минг киши иштирок этган. Уларнинг кучи билан шу кuni йиллик режанинг 3,02 фоизига тенг миқдорда ҳосил йиғиб-териб олинди. Шу кунгача тайёрланган умумий пахта хирмони эса, режага нисбатан 15,86 фоизга етди.

(Давоми 3-бетда).

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган анжуман ўтказилди. Анжуманда «Ижтимоий фикр», Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бир марта иш билан таъминлаш марказлари шунингдек, «Қамолот» ЁИХ вакиллари иштирок этишди.

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ — МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ

Тадбирда бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

— Ҳеч бир давлатда аёлларга, оилага ва болаларга бизнинг мустақил мамлакатимиздаги сингари эътибор берилмаган, — деди Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова. — Бу эса жамиятимизда аёлларнинг ўрни ва мавқеи қай даражада эканлигидан далolat беради. Аммо ҳозирги кунда мавжуд муаммоларни кўриб туриб, кўрмасликка олиш нотўғри деб ҳисоблайман. Аёлларимизнинг маънавияти, миллат маънавиятидир.

«Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН-ГРУЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиб ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислон Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислон Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, аънавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлиكنи мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДХ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорлиكنи ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярғоқ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томон-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислон Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли таъкидотида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислон Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томонига Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини тақлиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидagi

бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортомоқда. Э.Шеварднадзеннинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қилляпти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи қарвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизлиكنи мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдосотик борасида аънавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, бугдой экспорт қилиш мумкин. У ёқдан богдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар

ҳукукий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорлиكنи янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислон Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорлиكنи янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатлари ривожидида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг аққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислон Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислон Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти – "Охрус верди" ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини рағбатлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-Тбилиси-
Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ XXI АСРДА

Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу муносабат билан мазкур таълим даргоҳида "Университет XXI асрда: натижалар ва истиқболлар" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари, мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юрлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжумани Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Т. Долимов очар экан, ушбу таълим даргоҳининг турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги ютуқлари нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатлари илм-фани, халқ хўжалиги, халқаро алоқалари ривожига қўшаётган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади.

Университет ташкил этилганидан буён 110 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамонлари О.Шарофиддин, Э.Воҳидов, А.Орипов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов, Париж Сорбонна университети президенти К.Шатюиза, Москва давлат университети проректори В.Мамонтов ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

«ИНГОССТРАХ» ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон пойтахтида Россиянинг "Ингосстрах" компанияси ваколатхонаси очилди. Бу воқеа муносабати билан ўтказилган тақдирот маросимига мамлакатимиз сугурта компаниялари, ишбилармон доиралар, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тўпланди.

1947 йилда таъсис этилган ушбу компания ҳозирда Россия сугурта бозорида халқаро операциялар ҳажми ва хорижий шериклар сонига кўра пешқадамлик қилмоқда. У ўзининг хориждаги фаолиятини, айниқса МДХ мамлакатларида тобора кенгайтириб бормоқда. Айтиш жоизки, унинг корпоратив тармоғи ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра турлича бўлган 150 дан ортиқ ташкилотдан иборат. Компаниянинг сугурта полислари бутун дунёда қабул қилинади. У ўз молиявий барқарорлигига путур етказмаган ҳолда катта зарарларни қоплаши мумкин. Сўнгги беш йилда 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ еттига тўлов, 100 минг доллардан ортиқ 26 тўлов амалга оширилди.

"Ингосстрах" Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очишга қарор қилди.

ЎЗА.

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр билан пўлат эритиш цехи 25 «ёшга» тўлди.

Ўрта Осиёда ягона Бекобод металлургия комбинати очик акциядорлик жамиятининг сал-кам 60 йиллик тарихида унинг солномасига зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинган саналар кўп бўлган. 1978 йилнинг 17 августи ҳам шулар қаторига қиради. Шу кун корхона ишлаб чиқаришида маҳсулот ҳажми ва сифати жиҳатидан кескин бурилишга олиб келган воқеа — фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида барпо этилаётган, электр токи билан пўлат эритиш цехининг биринчи навбати ишга тушган эди. Унинг йилгига чорак миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тўнгич печида аланга ёқилди. Корхона тарихида янги давр бошланган бу қурилма шундан бери бир маромда ишлаб, ҳар йили эритилаётган пўлат ҳажмини беш баробар кўпайтириш имкониятига эга бўлди.

1981 йилнинг 25 ноябрига келиб, печда эритилган жами пўлат ҳажми 1 миллион тоннани ташкил этди. Орадан етти йил ўтгач, 5 миллион тонна пўлат эритилди. Агрегат қувватидан фойдаланиш коэффициенти муттасил оширилиб, пўлат эритувчиларнинг маҳорати ортиб борди. Шу туфайли меҳнатда янги-янги марралар эгалланаверди.

2002 йилнинг 26 октябрида навбатдаги катта меҳнат ғалабасига эришилди. Шу кун 10 миллионинчи тонна пўлат эритилди.

Айни вақтда корхонанинг энг йирик ишлаб чиқариш бўлини маси бўлиб қолган бу цехнинг иккинчи навбатини

барпо этиш ишлари ҳам давом эттирилди. «ДСП-100-УМЗ» русумли янада қувватлироқ печни монтаж қилиш жадал олиб борилди. У ўтган йилнинг октябрида фойдаланишга топширилди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши корхона учунгина эмас, шу билан бирга республикамиз қора металлургия саноати учун ҳам муҳим, нутилмас воқеа бўлди.

Бу печлар ёрдамида эритилаётган пўлат ўзининг сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига тўла жавоб бера олиши билан ҳам эътиборга сазовордир. Ишлаб чиқарилаётган арматура, тунука, золдрлар ва бошқа шу каби маҳсулотларга ички бозорда ҳам, шунингдек, чет элларда

ҳам талаб катта бўляпти. Шунинг учун ҳам уларнинг айрим турларини экспорт қилиш ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, кон саноатида ишлатиладиган золдрлар харидордир. Тоғ жисмларини тегирмонларда майдалаш учун ундан кўп фойдаланилади. Талабни ҳисобга



ГУРУР

олиб, унинг янги турларини тайёрлаш ҳам ўзлаштириляпти. Цех жамоаси ўз маҳсулотларини жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлишига эришиш ва уни хорижда ҳам кўплаб сотиш билан нафақат Ўзбекистон металлургия комбинати, шу билан бирга мустақил мамлакатимизнинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Шуни ҳис қилишнинг ўзиёқ ҳар бир пўлат эритувчи қалбини гурурга тўлдирди, уларнинг ўз касби билан фахрланиш туйғусини кучайтирди.

Цехда электр билан пўлат эритишдек мураккаб касбнинг сирларини пухта эгаллаган ажойиб металлурглари етишиб чиқдилар. Улар бир бутун ишлаб чиқариш технологияси-

нинг ҳар қандай жараёнини мохирлик билан бошқармоқдалар. Ўзбекистон Қаҳрамони, оператор А. Абдураззоқов, пўлат эритувчилардан У. Турсунов, И. Кудряшов, А. Мирзаматов, Ҳ. Исмоилов, А. Расулов, К. Мирбобоевлар ҳар соҳада касбдошларига намуна бўлиб, уларни омилкорлик билан ишлашга ундаётлар. Бундай металлурглари ўз сафига бирлаштирган жамоа зиммасидаги барча вазифаларни тўла бажаришга қодир. Унинг чорак асрлик меҳнат йўли ҳам шундан далолат бериб турибди.

Металлурглари электр билан пўлат эритиш цехи ишга тушганлигининг чорак асрлик санаси билан муборакбод этар эканмиз, уларнинг она-Ватанимиз иқтисодий кудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги меҳнатлари-га катта-катта ютуқлар йўлдош бўлишига тилақдошимиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА КЎМАКЛАШАДИ

Германияда касбий таълим тизими бир асрдан ортиқ тарихга эга. Жамғарманинг бош ташкилоти Гамбургда жойлашган бўлиб, у Германиянинг 62 шаҳрида 86 маслаҳат ва таълим марказларига эга.

Мазкур жамғарма икки томонлама лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда раҳбар кадрлар ва мамлакатимиздан ўқишга юборилган талабалар малакасини оширишга яқиндан кўмак кўрсатиш истагини билдирмоқда.

Жамғарма вакилларининг 2003 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи давомида мамлакатимиз Олий ва ўрта таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-таълим маркази ва "Гроне" жамғармаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳужжат имзоланди.

Келишувга асосан 2003-2008 йилларда 100 ўзбекистонлик мутахассис учун йилига икки марта Германияда олти ойлик ўқув машғулотлари ташкил этилади. Бу эса ҳамюртларимизга енгил ва озик-овқат саноати, электротехника, радиотехника соҳаларида техник тайёргарлик курсларида таҳсил олиш имконини яратади.

Айниқса, ахборот технологиялари, тиббиёт, саноат ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакаларини оширишларида алоҳида аҳамият берилади.

Аслам АКБАРОВ,
"Жаҳон" АА.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ташаббусига кўра "Procter & Gamble" компанияси билан биргаликда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари кўмағида учта кенг кўламли таълимий-соғломлаштириш дастури амалга оширилди. Бу тадбирлар аҳолининг санитария-гигиена билимларини оширишда шунчалик самарали бўлдики, ҳамкорликни 2008 йилгача давом эттиришга қарор қилинди.

Пойтахтдаги "Radisson SAS" меҳмонхонасида бўлиб ўтган учрашувда бу ҳақдаги тўрт томонлама шартнома имзоланди. Учрашувда "Соғлом авлод учун" жамғармаси фаоллари, шифокорлар, халқ таълими тизими ходимлари, давлат ва жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова йиғилганларни қўшма таълимий-

Мақсад – болалар саломатлиги

соғломлаштириш дастурларини жорий этиш туфайли эришилган натижалар ҳақида хабардор қилди. 1998 йилдаёқ улар Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланган, сўнгра "Соғлом авлод" ва "Она ва бола" давлат дастурларига киритилган эди. Ўтган даврда Ўзбекистон мактабларининг 400 минг нафар иккинчи синф ўқувчиси "Жозибали табассум" дастури бўйича оғиз бўшлиғи гигиенаси дарсларида қатнашди. 6-7 синфларда ўқийдиган 168 нафар қиз "Ўсмир ёши" дарсларида иштирок этди. 80 минг нафардан ортиқ аёл махсус ташкил этилган "Ёш оналар мактаби"да чақалоқларга қараш кўникмаларини эгаллади.

– Ўсиб келаётган авлод саломатлиги тўғрисида гамхўрлик Ўзбекистонда

давлат аҳамиятига эга, – деди шартномани имзолаш маросимида Procter & Gamble" компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича бош менежери Энди Петерсон. – Бу соҳада биз "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан яқин ҳамкорлик қилиб келямиз. Чунки касалликнинг олдини олиш уларни даволашдан кўра яхшироқ. У саломатликни сақлаб қолиш ва болаларнинг тўлақонли ривожланиши учун шароит яратиш имконини беради. Шу боис келгусида компания мавжуд қўшма дастурларни, биринчи навбатда республика ҳудудларида жорий этиш ҳажминини кенгайтириш ҳамда янгиларини амалга ошира бошлашни мўлжалламоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Муаммо, таҳлил, хулоса

Бизнингча, кунлик суръатни янада тезлаштириш имкониятлари бор. Бунинг учун юқорида айтганимиздек, аввало, туман ва хўжаликлардаги мавжуд терим машиналари қувватидан тўлиқ фойдаланишни бутун чоралар билан таъминлаш зарур. Лекин, афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари кейинги пайтларда негадир машина теримини ёқтирмай қолдилар. Сабабини суриштирсангиз, машина терими жуда қimmatга тушиб, даромаднинг асосий қисмини хўшлаб кетади, дейишади. Баъзилар эса, «Кейс»да терилган пахтанинг намлик ва ифлослик даражасини баҳона қилиб, пахта тозалаш корхоналари ҳосилнинг бир қисmini чегириб ташлайди деган баҳонани рўқач қилишади.

Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Тўғри, илгари шундай эди. «Кейс»да терилган бир гектар учун хўжалик МТПга 107 минг сўм тўларди ёки бир тонна пахта 34 минг сўм атрофида тушарди. Ҳозир ундай эмас. Бу йилги мавсумда хўжаликларнинг, демакки, бевосита пахта етиштирган пудратчи ва фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ўйлаб, бир гектарга тўланадиган ҳақ 65 минг сўм атрофида белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, машина ва қўл теримининг ҳақи тенглаштирилди.

Бу қандай натижа беришини Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги мисолида кўриб чиқайлик. Бош пудратчи Омон Тожиевга қарашли 38 гектар пахтазорнинг 18 гектари машина терими учун ажратилди. Туман МТПсидан буюртма қилинган «Кейс» ана шу майдонга солинганда, дастлабки бир гектар ердан 3 тонна пахта териб берди. Яъни ҳосилдорлик 30 центнерга тўғри келди. Таққослаб кўриш мақсадида яна бир гектар майдондаги пахта қўлда терилганда 27 центнер ҳосил чиқди. Ўртадаги 3 центнер фарқни 18 гектарга кўпайтириб, пудратчилар қанча қўшимча ҳақ эгаси бўлишларини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Лекин, асосий гап бунда эмас, «Кейс»да терилган бир килограмм пахта қанчага тушганида. Айтайлик, хўжалик бир гектардан «Кейс»да терилган 3 тонна пахта учун МТПга 65 минг сўм ҳақ тўлади. Демак, бир килограмм пахта 22 сўмдан кам-

роққа тушди.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳатида жиддий эътибор қаратиш жоиз. Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, ҳосилдорлик қанча юқори бўлса, машина терими шунча арзонга ва аксинча, қанча паст бўлса, шунча қimmatга тушади. Маса-

ҳосилдорлик юқори бўлади, машина теримининг сифати ошади, ҳақи эса, пасаяди. «МТП терим машиналарининг хизмат ҳақи – захардан қimmat» деган даъвога ўз-ўзидан ўрин қолмайди.

Энди ушбу фикрнинг исботи учун қўлда терилган бир кило-

дан бир йўла яхлит даромад солиғини тўлайди. Таҳлилий ҳисобларга қараганда, ана шуни ҳам қўшганда қўлда терилган бир килограмм пахтага хўжалик 43 сўмдан ҳақ тўлайди. Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Бунга тарозибон, бир-икки нафар ёрдамчи ишчиға кетадиган сарф-харажат-

ҲОСИЛ БОР, УНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЗАРУР

Бунинг учун жойларда қўл теримини оммавий ташкил этиш билан биргаликда мавжуд терим машиналари қувватидан тўлиқ фойдаланиш чораларини кўриш керак.



лан, бир теримда гектаридан 25 центнер ҳосил чиқса, унинг бир килограммига тўланадиган ҳақ 26 сўмданга тўғри келади.

Хуллас, юқоридаги ҳисоб-ки-тоблардан маълум бўлдики, ҳамма гап хўжаликларнинг ўзида қолган. Агар қўчат қалинлиги меъёрида, бегона ўтлардан холи бўлса, дефолиация вақтида ва сифатли ўтказилса, камида 80 фоиз кўсак яхши очилгандан сўнггина теримга тушилса,

грамм пахтага бу йилги мавсумда неча сўмдан тўлашга тўғри келаётганлигини ҳисоблаб кўрайлик. Ҳозир хўжаликларда теримчиларга ўртача 30 сўмдан тўланмоқда. Агар бир теримчи беш кунликда 500 килограмм пахта терса, 15 минг сўм пулни нақд олади, яъни бу микдордан даромад солиғи ушлаб қолинмайди. Хўжалик эса, мавсум якунлангандан сўнг теримчиларга берилган жами пул ҳисоби-

лар ҳам қўшилса, 48 сўмгача борар экан.

Кизиғи шундаки, қўл теримиға сарфланадиган харажатларнинг оз ёки кўплиги, машина теримидан фарқли ўлароқ, ҳосилдорликка боғлиқ бўлмайди. Шундай қилиб, айтайлик, пахта тозалаш корхонасига 1000 тонна хом ашё топширган хўжалик уни агар машинада тердирган бўлса, 15-17 миллион сўм қўшимча даромадга эга бўларкан.

Аммо, адолат юзасидан эътироф этиш керакки, хўжалик раҳбарлари айтган «захардан қimmat» тариф ставкалари МТП томонидан мўмай даромадни кўзлаб, атайлаб белгиланмайди. «Кейс»ларнинг хизмат ҳақлари уларнинг таннаҳлларидан келиб чиқади. Хусусан, «Кейс» комбайнларининг у ёки бу қисми бузилса, белгиланган тартибга мувофиқ фақат «ЎзКейссервис» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси томонидан таъмирланади. Корхона мутахассислари олиб келадиған эҳтиёт қисмлар жуда қimmat. Масалан, оддийгина ёнилғи аппаратурининг ўзи 2,5 миллион сўм туради. Уни таъмирлаб бўлмайди, фақат янгисига алмаштирилади. Агар ҳеч бўлмаса, тез-тез керак бўлиб турадиган эҳтиёт қисмлар рес-

публика «Ўзағромашсервис» уюшмаси базаларида ҳам бўлганида, у ердан вақтида олиб, комбайнларни МТПларнинг ўзида таъмирлаш имконияти туғиларди. Шунда хизмат тариф ставкалари анча арзонлашиб, хўжаликларга ҳам жабр бўлмасди. Ҳар ҳолда МТПларнинг раҳбар ва мутахассислари шундай фикр билдиришди. Бизнингча, мутасадди ташкилотлар бу муаммо ечими хусусида ўйлаб кўришлари керак.

Бу йил Оққўрғон туманида 15 140 гектар майдонда пахта етиштирилган бўлса, шундан 5060 гектаридаги ҳосилни машинада териш режалаштирилган. Бунинг учун туман МТПсида 31 та «Кейс — 2022» комбайни мавсумга тайёрланган. Бундан ташқари, «Оққўрғон», Сегизбоев номли, Ҳ. Олимжон номли ва «Озод» ширкат хўжаликларида ҳам 20 тага яқин маҳаллий русумдаги терим машиналари бор. Айни кунларда уларнинг деярли ҳаммаси теримға сафарбар этилган.

— «Кейс» комбайнларимиз таннаҳрини қоплаши учун уларнинг ҳар бири мавсумда камида 80 гектар майдондаги ҳосилни териб бериши керак, — дейди туман МТП раиси Турғунбой Ҳасанов. — Бу жами 2500 гектар деган гап. Туманда эса, машина терими учун бундан икки баробар кўп майдон ажратилган. Хўжаликлардан тушаётган буюртмаларға қараганда машиналардан тўлиқ фойдаланиш имконимиз бор.

Дарҳақиқат, хўжалик раҳбарлари қўл теримини уюшқоқлик билан ташкил этиб, машина теримиға манфаатдорлик билан оқилона ёндошсалар ҳам вақтдан, ҳам даромаддан ютадилар, режаларини ҳам ёруғ юз билан бажарадилар. Қолаверса, вилотнинг манфаати, энг муҳими далада пишиб етилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишни ўйлаб шу йўлни тутиш ҳар бир туман ва хўжалик раҳбарининг бурчидир.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Ўртачирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги пахта далаларидаги теримчилар (ўнгдан чапга) З. Асқарова, М. Давлатова ва Н. Абдулхамидовалар қуниға 80-100 кг дан ошириб пахта териб, хирмонға ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳ. АББАЛОВ олган суратлар.

Dushanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 13 октябрь кун «Ўзбекистон» телеканал 13 кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

16.05 «Бизнес-хафта».

16.20 «Экран хандаси».

16.55 ТВ анонс.

«Болалар сайёраси»:

17.00 1. «Улғайиш поғоналари».

2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

18.00 Янгиликлар.

18.10 Фахрий спортчилар спартакиадаси.

18.30 «Олтин мерос».

18.45 «Мулкдор».

19.05 «Истеъдод».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».

21.25 «Ошин». Телесериал.

22.25 ТВ клип.

22.35 «Талваса».

Видеофильм премьераси. 3-қисм.

23.15 «Ахборот-дай-жест».

23.35 «Япония: турмуш тарзи». Хужжатли телесериал.

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.00 Кўрсатувлар дастури.

16.05 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман.

16.20 «Мульттомоша».

16.35 «Маҳабхорат». Бадий фильм 6-қисм (яқунловчи)

17.35 ТВ - анонс.

17.40 Жаҳон жуғрофияси.

18.30 Муқаддас бурч.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 Илдиз ва япроқ.

20.00 Мусикий лаҳзалар.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.

20.15 Ёшлар овози.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.

0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 20.35, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».

20.20 «Avto-news».

21.00 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

22.00 Кинонигоҳ.

«Сангам». 1-қисм.

23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 Вести.

16.45 «Парле ву Франсе?»

17.10 Евроньюс янгиликлари.

17.20 Еврофутбол.

17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил» хажвий кўрсатув.

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

19.00 «Мени кутгил».

20.00 «Время».

20.30 «Бизнес ревью».

20.35 «Спорт масканлари».

рида».

20.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

21.10 Кинематограф. «Тернер ва Хуч».

Бадий фильм.

22.40 «Ахборот».

23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Барни ва унинг кичик нохушликлари». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ишониб бўлмайдиган ҳақиқат». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

14

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.55 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Мулкдор».

10.25 «Кўпик». Бадий фильм.

11.45 Ногирон футболчилар ўртасида жаҳон чемпионатининг финал ўйинлари.

12.05 «Кўпчилик қаторида».

12.25 «Муносабат».

12.55 ТВ анонс.

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.

14.45 ННҚ тақдим этади: «Буюк Ипак

йўли». Телесериал премьераси.

15.35 ТВ клип.

15.45 «Адабий жараён».

16.05 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

16.35 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

17.55 ТВ маркет.

18.10 Репортаж.

18.15 «Олтин бешик».

18.35 «Ифтихор».

18.55 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Абдуҳолиқ Фихдувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан. «Абдуҳолиқ Фихдувоний». Хужжат-

ли фильм. 1-қисм.

21.25 ТВ клип.

21.30 «Истеъмомчи».

21.50 «Ошин». Телесериал.

22.50 «Аския кечаси».

23.25 «Ахборот-дай-жест».

23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. Болалар учун концерт.

9.50 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 17-қисм.

10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 ТВ - адвокат.

11.35 «Гвадалупе». Телесериал.

12.15 Кинотақдим.

12.35 «Келажакни кўзлаб» («Ўзбектеле-

фильм)»

12.55 Мусикий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман.

13.30 «Мульттомоша».

13.45 Интерфутбол.

15.25 Муқаддас бурч.

15.45 Мусикий лаҳзалар.

15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.

16.15 «Учинчи сайёра». Маърифий дастур.

17.05 ТВ - анонс.

17.10 Кўрсатувлар дастури.

17.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.50 Япониянинг боқий маданияти. Сериал 3-қисм.

18.10 Минг бир маслаҳат.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр»- интервью.

19.50 Мусикий лаҳзалар.

19.55 Марди майдон.

20.15 Муголаа. Асқад Мухтор.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.

23.45 - 23.50 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Мусикий меҳмонхона».

18.30, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».

20.20 «Туризм ҳақида».

20.50 «Инсон ва қонун».

21.10 «Ҳамшаҳарлар».

21.55 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

22.55 Кинонигоҳ.

«Сангам». 2-қисм.

00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.45 «Мультсеанс».

17.05 «Евроньюс» янгиликлари.

17.20 Машхурлар. Т. Синявская.

17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

18.50 «Бир стакан сув». Бадий фильм 1-қисм.

20.00 «Время».

20.30 «Яна ўша Захаров». Юбилей кечаси.

22.20 «Бизнес ревью».

22.25 «FCN Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)

22.35 Кинематограф. «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар». Бадий фильм.

23.55 «Ахборот».

00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Ишониб бўлмайдиган ҳақиқат». Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «Кикбоксинг империяси». 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Операция». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Стикс». 23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba

15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Соз сеҳри».

9.20 «Рангин дунё».

9.40 «Кузги кемачалар». Мультфильм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Тезлик». Бадий фильм.

11.30 «Ифтихор».

11.50 ТВ клип.

12.05 «Дунёқараш».

12.20 «Аския кечаси».

12.55 ТВ анонс.

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Истеъмомчи».

14.30 Кундузги сеанс: «Арабелла - қароқчи қиз». Бадий фильм.

15.35 «Ягона оилада».

16.05 «Яхшилик».

«Болалар сайёраси»:

16.40 1. «Болаликнинг мовий осмони».

2. «Кизикарли учрашувлар».

17.40 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.

18.10 «Қалб гавҳари».

18.30 «Умид». Телелотерея.

18.55 Бир жуфт кўшиқ.

19.05 «Ҳаёт ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 Абдуҳолиқ Фихдувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан. «Абдуҳолиқ Фихдувоний». Хужжатли фильм. 2-қисм.

21.25 «Ошин». Телесериал.

22.25 «Келин-куёв». Телешоу.

23.15 «Тараққиёт уфқлари».

23.35 «Ахборот-дай-жест».

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

9.40 «Мульттомоша».

9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 18-қисм.

10.45 «Давр» - интервью.

11.00 ТВ - анонс.

11.05 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.20 ТВ - адвокат.

11.25 «Гвадалупе». Телесериал.

12.05 Ёшлар овози.

12.25 Муголаа. Асқад Мухтор.

12.45 «Шарқ тароналари» фестивали

оҳанглари.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 Болалар экрани: «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртақ».

13.45 Жаҳон жуғрофияси.

14.35 Ўзимизники.

14.50 Мусикий лаҳзалар.

15.00 «Бор экан-да, йўқ экан». Бадий фильм.

16.20 Автопатрул.

16.40 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.

17.30 ТВ - анонс.

17.35 Кўрсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

18.00 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.

18.20 Чемпион сирлари.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 Очил дастурхон.

20.00 Спорт лото.

20.10 Куёшли юрт одамлари.

20.25 Ёшлар овози.

20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.

20.50 «Гвадалупе». Телесериал.

21.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.

0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Аёл қалби».

18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».

20.20 «Сухбатдош».

20.50 «Ҳимоя».

21.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».

22.25 Кинонигоҳ.

«Замин гаройиботлари».

23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 Вести.

16.45 «Бола бошидан».

17.00 «Евроньюс» янгиликлари.

17.20 Е. Петросянинн Кулгу панорамаси.

17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

18.50 «Бир стакан сув». Бадий фильм 2-қисм.

20.00 «Время».

20.30 «Бизнес ревью».

20.35 «Ҳинд оҳанглари».

21.00 «Дунё маданияти дурдоналари».

21.20 Кинематограф. «Одам бўлмади». Бадий фильм.

23.00 «Ахборот» (рус тилида)

23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Стикс». Уткир сюжетли фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тимсоҳлар доғишмандлиги». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Бўйдоқ». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».

2. «Кизикарли учрашувлар».

10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар.

10.05 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадий фильм.

11.35 «Санъатга бахшида умр».

11.55, 12.25 ТВ анонс.

12.05 «Тараққиёт уфқлари».

12.30 «Айни туш пайти».

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Ҳаёт ва қонун».

14.30 Кундузги сеанс:

«Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадий фильм.

16.10 ТВ клип.

16.20 «Яхшилар ёди».

«Болалар сайёраси»:

16.40 1. «Шоирлар-болаларга».

2. «Цирк цирк, цирк».

17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 Репортаж.

18.20 «Соғлом - она соғлом бола».

18.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.

19.00 ТВ-консалтинг.

19.05 «Шарқ тароналари» фестивали

ри».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот.

21.45 «Оиламиз оҳанглари».

22.05 «Ошин». Телесериал.

23.05 Болалар спорти: «Спорт иншоотлари».

23.25 «Ахборот-дай-

жест».

23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

9.40 «Мульттомоша».

9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 19-қисм.

10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.00 Тафаккур ёлқинлари.

11.15 «Гвадалупе». Телесериал.

11.55 Ёшлар овози.

12.15 Спорт қитъаси (рус тилида)

12.40 Чемпион сирлари (рус тилида)

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 Бахтли болалик кўшиқлари.

13.30 Болалар учун мультфильмлар: «Ғаройиб орол», «Товус».

13.50 Куёшли юрт одамлари.

14.05 Интерфутбол.

15.45 Мусикий лаҳзалар.

15.55 «Нотаниш ворис». Бадий фильм.

17.15 ТВ - анонс.

17.20 Кўрсатувлар дастури.

17.25 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.

17.45 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Отбеги».

18.05 Сийрат.

18.25 Табобат оламида.

18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интер-
вью.
19.50 ТВ – анонс.
19.55 Болалар спорти:
аҳвол қандай?
20.10 Мусикий лаҳза-
лар.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.

21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
телеканал
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 Болажонлар

экрани.
17.55 «Хориж хабарлари»
(рус)
18.00, 20.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 20.50,
22.05 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарла-
ри».
19.10 ТТВда сериал: «Ой
нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъули-

ят».
21.05 «Эл хизматида».
21.25 ТТВда сериал:
«Лўлининг бахти».
22.25 Кинонигоҳ. «Уч
мушкетёр. Миледининг
қасоси».
24.00-00.05 Хайрли тун,
шаҳрим!
«Халқаро»
телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 –
7.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.

16.35 Вести.
16.45 «Жонли табиат».
17.00 «Евроњьюс»
янгиликлари.
17.20 «Оддий Кулгу».
17.50 «Ишонч ва муҳаб-
бат замини». Сериал.
18.50 «Кулгу хонаси».
19.40 «Спорт технологи-
яси».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Юқори технологи-
ялар олами».
20.45 «FCN Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз

тилида)
20.55 «Экспромт».
21.15 Кинематограф.
«Қайсарнинг қуюлиши».
Бадий фильм.
22.45 «Ахборот».
23.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45 «Те-
леҳамкор». 9.30, 14.10 Бо-
лалар соати. 10.15 «Пау-
эр Рейнжерс ёки кучли
рейнжерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30»да спорт.

11.10 «Тез ёрдам». Сери-
ал. 12.00 «Бўйдоқ». Коме-
дия. 13.30 «У қотилликни
баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.40
Хужжатли сериал. 18.00
«30-канал» кинооқшоми:
«Анаконда». 19.30 «Оши-
қона». Мусикий дастур.
19.45 «Турецкий марши».
Сериал. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтойлар!». 21.30
«30-канал» кинооқ-
шоми. «Қотилликка
тайёр». 23.15 Спорт дас-
тури.

Juma

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Шоирлар –
болаларга».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Алвон елкан-
лар». Бадий фильм.
11.30 «Барҳаёт сиймо-
лар».
11.50 «Нонни босган
кизча». Мультфильм.
12.05 «Агар Сиз». Ток-
шоу.
12.30 «Алпомиш
авлодлари». Спорт
дастури.
12.50 ТВ клип.
13.00 «Ошин». Телесе-
риал.
14.10 Телемулқот.

14.50 Кундузги сеанс:
«Аршин мол-олон».
Бадий фильм.
15.10 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
15.30 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
16.30 Футбол. Ўзбекис-
тон чемпионати.
«Насаф»–«Пахтакор».
«Нефтчи»–«Қизилқум».
18.10 «Чорраҳа».
18.30 «Портретга
чизгилар».
18.50 «Кўшиғимиз Сизга
армуғон».
19.05 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Эттиқод мустаҳкамли-
ги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ошин». Телесе-

риал.
22.35 «Сарҳад билмас
дўстлик».
22.55 «Мендан мени
сўрама». Юлдуз
Усмонова.
23.35 «Ахборот-дай-
жест».
23.55 Футбол. Ўзбекис-
тон чемпионати.
«Трактор»–«Машъал».
00.45-00.50 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ – анонс.
9.20 «Янги авлод»
студияси: Шоҳсупа.
9.40 «Мультмоша».
9.55 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер» 20-
қисм.
10.45 «Давр»-интервью.
11.00 Минг бир масла-
ҳат.
11.20 ТВ – адвокат.
11.25 «Гвадалупе».
Телесериал.

12.05 Ёшлар овози.
12.25 ТВ – анонс.
12.30 Бегойим.
12.50 «Шарқ таронала-
ри» фестивали
оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ – анонс.
13.15 Болалар спорти:
аҳвол қандай?
13.30 Интерфутбол.
15.10 Сийрат.
15.30 ТВ – анонс.
15.35 «Пилигрим» кема-
сининг капитани».
Бадий фильм.
17.00 Кўрсатувлар
дастури.
17.05 «Янги авлод»
студияси: Бешбармоқ.
17.30 «Мультмоша».
17.45 «Япониянинг
боқий маданияти».
Сериал 4-қисм.
18.05 ТВ – анонс.
18.10 Кўли гул уста.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ – анонс.
20.00 «Меҳр кўзда».
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.

21.30 Кишлоқдаги
тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
1. Футбол плюс, 2. Ринг
кироллари.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 Болажонлар
экрани.
17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)
18.00, 21.30 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.40,
22.45 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарла-
ри».
19.10 ТТВда сериал:
«Ой нури агентлиги».
20.20 ТТВда сериал:

«Қиш сонатаси».
21.55 «Дорихона
эшитида». Бевосита
мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Уч
мушкетёр. Кирилича-
нинг тақинчоқлари».
00.45-00.50 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 –
7.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 Вести.
16.45 «Бинафша».
17.10 «Евроњьюс»
янгиликлари.
17.30 Хужжатли детек-
тив.
18.00 «Аншлаг».
18.50 «Мўъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Кун мавзуси».
21.20 «Жаҳон юлдузла-
ри».
21.30 «Фан олами».
21.50 Нима? Қаерда?
Қачон?

23.10 «Хит парад».
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телеҳамкор». 9.30,
14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнжерс
ёки кучли рейнжерлар»
Сериал. 10.40 «Кикбок-
синг империяси». 11.10
«Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Қотилликка
тайёр». Ўткир сюжетли
фильм. 13.30 «У қотил-
ликни баён этди». Телесе-
риал. 15.00 Телешоу.
16.00 «30» да спорт.
16.40 «Хужжатли сери-
ал». 18.00 «30-канал»да
ринг кироллари. 18.50
Юмор дастури. 19.30
«Ошиқона». Мусикий дас-
тур. 19.45 «Турецкий
марши». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телетаб-
риқнома. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтойлар!». 21.30
«30-канал» кинооқ-
шоми. 23.15 Спорт дас-
тури.

Shanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ инфо.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Эттиқод мустаҳкам-
лиги йўлида».
10.20 «Мусикий олам».
Телеальманах.
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Портретга
чизгилар».
11.50 ТВ анонс.
12.00 ТВ 1 да киноко-
медия: «Кавказ
асираси». Бадий
фильм.
13.15 «Шанбада
учрашамиз».
13.40 «Адабий жараён».
14.00 «Ошин». Телесе-
риал.
15.00 «Ягона оилада».

15.30 «Ассалому
алайкум, қизлар!»
Аброр Хидоят
номидаги Ўзбек
Давлат драма театри
спектаклининг премье-
раси. 1-қисм.
16.40 Эстрада мусика-
си.
17.00 «Маҳалламиз
пахлавонлари».
Республика турнири.
17.30 «Экран хандаси».
17.45 «Бугуннинг
одамлари».
17.55 «Саргузаштлар
оролли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала».
Дам олиш дастури.
21.40 «Гап чикди».

Телешоу.
22.10 «Спортчи чоллар».
Видеофильм. 1-қисм.
22.45 «Ахборот-дай-
жест».
«Тунги ёғду»:
23.05 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Миллион
кифоя». Бадий
фильм.
00.30-00.35 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги авлод»
студияси: Бешбармоқ.
10.05 «Мультмоша».
10.20 Табат оламида.
10.45 Ринг кироллари.
11.35 «Бунёдкор» ёшлар
телеклуби.
11.50 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.30 «Ниҳол» мукофоти
совриндорлари
куйлайди.
12.45 «Парвоз орзуси».

Бадий фильм.
14.25 Кўли гул уста.
14.45 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.
15.35 ТВ – анонс.
15.40 Кишлоқдаги
тенгдошим.
16.00 «Учинчи сайёра».
Маърифий дастури.
16.50 Кўрсатувлар
дастури.
16.55 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
17.20 «Мультмоша».
17.35 18 октябрь –
Самарқанд куни
«Юртим кўрки»
туркумидан: Самар-
қанд маҳаллалари 1-
қисм.
17.50 Самарқанд
наволари.
18.00 ТВ – анонс.
18.05 «Юртим кўрки»
туркумидан: Самар-
қанд маҳаллалари 2-
қисм.
18.20 Саломатлик
сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репор-
таж.

19.45 ТВ – анонс.
19.50 Кутилмаган
меҳмон.
20.10, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.15 «Уйимдаги
бегона». Бадий
фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат
киссалари». Бадий
фильм 1-қисм.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 «Мультархпалак»
телегазетаси.
18.05, 21.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклу-
би.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.30 «Жаҳон географи-
яси».
20.00 «Умр ғанимат».
20.10 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».

20.30 ТТВда сериал:
«Қиш сонатаси»
(яқунловчи)
21.50 Кинонигоҳ. «Юз
бир кеча».
23.25-23.30 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Қизиқарли кино».
10.30 «Оддий Кулгу».
11.00 Болалар соати:
«Сотилган Кулгу».
Бадий фильм 1-қисм.
12.00 «Ишбилармон
кишилар».
12.20 «Кўнгил-кўнгилга
пайванд».
12.50 «Бугунги медици-
на».
13.10-14.10 Дўстлик
видеоканал: «Бағри
кенг Ўзбекистон».
«В
добрый хате», «Умид».
15.45 Кўрсатувлар
тартиби.
15.50 КВН-2003.
Премьер-лига.
17.00 Янгиликлар.
17.10 КВН-2003.
Премьер-лига (давоми)
18.00 «Ким миллионер

бўлишни истайди?»
Телеўйин.
19.00 «Сўнгги қахра-
мон. Уйин тугаши».
20.00 «Время».
20.30 «Ютуқ». Теле-
ўйин.
21.30 «Олтин граммо-
фон».
22.30 «Ахборот».
23.05 Кинематограф.
«Айқ бўсаси».
Бадий фильм.
00.35 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45
«Телеҳамкор». 9.30 «Ди-
нозаврлар». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маърифий
дастур». 12.00 Оилавий
кино. «Вайронагарчилик».
Ўткир сюжетли фильм.
13.40 Шоу дастури. 14.30
Ҳинд киноси. 17.00 Теле-
ўйин. 18.10 «30-канал» ки-
нооқшоми. «Қўпоровчи-
лар». 19.45 «Ошиқона».
Мусикий дастур. 20.00
«Спорт-экстрим». 20.30
«Клип-совга». Телетаб-
риқнома. 21.05 «Тайга».
Сериал. 22.00 «30-канал»да
кинооқшом. «Олти». 23.45
Мусикий дастур.

Yakshanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.25 «Кўйла, ёшлигим».
9.45 «Экран хандаси».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам».
12.10 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Гамлет».
Бадий фильм. 1-
қисм.
14.00 «Изҳор». Муси-
кий телемонлог.
14.15 «Гамлет».
Бадий фильм. 2-
қисм.
15.20 «Гап чикди».
Телешоу.

15.50 «Ҳамшира-2003».
16.10 «Ассалому
алайкум, қизлар!»
Аброр Хидоят
номидаги Ўзбек
Давлат драма театри
спектаклининг премье-
раси. 2-қисм.
17.05 «Теннис: кеча ва
бугун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 1. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
2. «Ҳаройибкентга
саёҳат».
18.35 «Иқтидор».
Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун меҳмони».
21.25 «Шийпондаги
учрашувлар».
22.00 «Спортчи чоллар».
Видеофильм премьера-

си. 2-қисм.
22.35 «Яхшилик».
«Якшанба кинозали»:
23.15 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Жаннатга
қайтиш». Бадий
фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсол-
лари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 ТВ – анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Қувноқ стартлар.
10.10 Очил дастурхон.
10.30 Чемпион сирлари.
10.50 ФИФА (футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
11.30 «Ёшлар» телекана-
лида ҳарбий-ватанпар-
варлик дастури: 1.
Марди майдон 2.
Аскар мактублари.
12.10 «Заковат».
Саралаш ўйинлари.

12.45 Оҳанрабо.
13.25 Болалар экрани:
«Чип ва Дэйл ёрдамга
ошиқди».
14.05 ТВ – анонс.
14.10 Меҳр кўзда.
14.50 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.
15.40 Ёшлар овози.
16.00 «Сичқон овловчи-
лар». Бадий фильм.
17.35 ТВ – анонс.
17.40 Кўрсатувлар
дастури.
17.45 «Янги авлод»
студияси: Уй вазифа-
си, Катта танаффус.
18.25 Мультфильм.
18.35 Спорт ҳафтанома-
си.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ – анонс.
19.25 Ака-ука Мўминов-
лар куйлайди.
19.45 Сув – ҳаёт
манбаи.
19.50, 20.50, 22.30
Эълонлар.
19.55 «Уйимдаги
бегона». Бадий

фильм 2-қисм.
20.55 «Қилни қирқ
ёриб...» Интеллектуал
ўйин.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ – анонс.
22.40 «Муҳаббат
киссалари». Бадий
фильм 2-қисм.
0.25 – 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».
17.45 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.25, 21.15 «Экспресс»
телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.55 «Жаҳон географи-
яси».
20.25 «TV плюс».
20.55 «Озод ва обод
юрт».
21.25 Кинонигоҳ. «Катта
пойга».
23.00-23.05 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
тартиби.
9.00 Инглиз тили курси.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалиги-
да».
10.10 «Уйғоқ қайфият».
Информацион-дам
олиш кўрсатуви.
11.40 «Ошхонада
инглизча гаплашамиз».
11.50 «Экран зийнати ва
қиймати».
12.15 CFI тақдим этади:
«Илм – фан афсонаси».
13.05 «Дорихона эшта-
ди».
13.55-15.15 Дўстлик
видеоканал: «Рангика-
мон», «Ватан сурури».
«Дидар», «Чинсэн».
17.00 Кўрсатувлар
тартиби.
17.05 «Билишни истай-
ман».
17.20 «Ассалом Фран-
ция».
17.40 «Соғинч».
18.00 Антонио Бандерас:
«Жосулар фарзандла-
ри-2» комедиясида.
20.00 «Дунёга назар».
20.30 «Тенгдошлар».
21.05 «Дунё мамлакатла-

ри. Швейцария».
21.30 Кинопрофи.
21.50 Кинематограф.
«Денгизчи гўзалим».
Бадий фильм.
23.00 Бокс. Хозёр
Косамайор – Диего
Корралес.
24.00 «Тахлилнома».
00.40 «Тунингиз осуда
бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30, 17.40,
20.45 «Телеҳамкор». 9.30
«Динозаврлар». Мультсе-
риал. 10.00 Болалар учун
фильм. 12.00 Оилавий
кино. «Олти». Триллер.
13.40 Шоу дастури. 14.30
Кундузги кинозал: «Ми-
мон». 16.10 Маърифий
дастур. 16.40 Мусикий
дастур. 17.00 Телеўйин.
18.10 «30-канал» кинооқ-
шоми: «Фаришта Нью-
Йоркда». 19.45 «Ошиқо-
на». Мусикий дастур.
20.00 «Спорт-экстрим».
20.30 «Клип-совга». Теле-
табриқнома. 21.05 «Тай-
га». Сериал. 22.00 «30-
канал»да якшанба кино-
оқшоми. «Элтиш». 23.30
Спорт шарҳи.



Вилоятимизда истеъдодли ижодкорлар кўпчиликини ташкил этади. Улар орасида ўртачирчиқлик шоир Ҳамид Норқулнинг алоҳида ўрни ва ўзига хос овози бор. Унинг шеърлари дилга яқинлиги ва чуқур фалсафий мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг шу кунгача 4 та шеърый китоби, 2 та публицистик асари чоп этилиб, кенг китобхонлар оммаси томонидан қизғин кутиб олинди.

Ҳамид Норқул жўшиб ёзади, меҳр-оқибат, мардлик ва садоқат, ҳалолликни васф этиб, одамларга яхшиликларни аямайди. Мана шу ажойиб хусусиятлар унинг шеърларида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли ижодкор Ҳамид Норқулнинг бугунги шеърлари ҳам сизларга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

НИЯТИНГИЗ ОЙДИН БЎЛСА...

Отингизнинг сағрисига қамчи-ла уриб,
Менинг минган ғиротимдан ўзмоқ истайсиз.
Лекин отнинг аҳволини англамай туриб,
Бекор уни қамчилайсиз, бекор қистайсиз.

Зирқирайди, туюқлари темир тақада,
Имконидан олдин чопиб елларга етар.
Лекин сизнинг «ҳамма биздан юрсин орқада»,
Деган ғараз фикрингизни қамчин фош етар.

Ниятингиз ойдин бўлса, қанот ҳам боғлаб,
Тулпор сизни шиддат билан етказар кўкка.
У маҳалда бахт ва олқиш кўнглингиз чоғлаб
Барча ғайир ўйларингиз чиқади йўққа...

Кўкармагай, яхши ният бўлмаса экин,
Умринг бекор; идрокингга ақлинг етмаса.
Демак, мендан ўзишнингиз мумкин ва лекин
Ўзолмайсиз дилингиздан ҳасад кетмаса...

ЭГАСИ СЕН ЎЗИНГ, ЭРК ДЕГАН БОҒНИНГ...

МАНМАНЛИК УМРИ

Дарахлар пойига келтирар шошиб,
Кўёшнинг ҳидини майин шамоллар.
Куртаклар сепкилдай юзига тошиб,
Шу дамда новдалар уйғониб қолар.

Илдизлар устидан бўртган майсалар
Кўларин чўздилар, новдалар кулар.
Кўллари етмайди. Қанча чўзсалар,
Шунча кўп баландга интилди улар.

Майсалар қирларга ёйилиб кетди,
Қайрилиб боқмади новдалар, ахир.
Ҳорғин куз келган чоғ қай хато ўтди,
Нечун манманликнинг қисмати тахир?!

Энди-чи, новдалар тирайди таранг,
Сарғайган япроқлар — армонли мактуб.
... Шамоллар, ундаги ўкинчни қаранг,
Ҳар битта майсага борар ўқитиб.

МАРД ОДАМ

От билан олдидан кесиб чиқдилар,
Қамчиннинг излари ўйнар ҳавода.
Орқага бурилиб қайтиб кетар деб
Ўйлашди, қўрқитиб қўйсак мабодо...
Панадан кўзларин қисиб отишди,
Юракка теккан ўқ кўринди аниқ!
Гўёки ҳеч нарса бўлмаганидек
Секин кетиб борар, кўзлари ёниқ...
Бўлмади келишиб-келишиб охир
Чуқурлар қазिशди унинг йўлидан.
Ёпирай...
Чуқурдан чиқиб кетди у,
Гўёки ўзининг тутиб қўлидан.
Талашиб-тортишди.
Нима гап ўзи?
Ҳазабдан ағёрлар муштини туккан.
Қарашса...
Худонинг сўйган бандаси
Бор-йўғи, бир оддий
Мард Одам экан...

КЎКРАГИМ КЎТАРИБ...

Кўкрагим кўтариб яшайман доим,
Ҳар қалай боболар йўлин уққанман.
Мен ахир, минг йиллар чангини қоқиб,
Шу жўмард ва машхур элдан чиққанман.

Елкамни қисайми қорним тўймаса
Ё кийим киймасам оҳорли, янги.
Шу Ватан дардини англаб-англамай,
Тинмайди юракда туйғулар жанги.

Дунё елкасига тоғ бўлиб тушган,
Неча юз улуғлар менинг илдизим.
Начора, ўзгалар таниди аввал,
Начора, адашиб юрди кундузим.

Кўзимнинг қароси ўзимга азиз,
Суянсам тоғим шу, айтсам достоним.
Маҳкам қучиб борар энди орзулар
Дарахтдай гуллайди энди армоним.

Ватан юрагимда юксалиб борар,
Эл қаддин кўтарди, руҳим ўсади.
Кўзимни қанчалар каттароқ очсам,
Шунча кўп кимсалар елка қисади...

ДАДИЛЛИК

Узоқроқ тикилгин ўзингга, одам
Шавкат Раҳмон.

Очиқроқ айтсанг-чи, дадилроқ бўлгин.
Бу жимжит тоғлардан бир овоз кўчсин.
Зах дилда қамалиб ётган гапларинг
Боғланган, тилингни қуюндай қучсин!
«Мени ким тингларди» — қўрқоқ андиша.
Ҳаттоки сайраган қурбақада йўқ...
Қачон айтасан сен, ҳозир айтмасанг,
Ҳадик — юрагингда отилмаган ўқ.
Оташин ҳасратлар танинг қиздирар,
Қўрқсанг тош бостириб, қўйгин изингга.
Худди ёш боладек юриб кетасан
Аввал тик қарашни билсанг кўзингга.
Ваҳима қушлари ҳурлик тўрида,
Қаноти кесилиб кетди кўп зоғнинг.
Боланинг кўзидай чарақлаб турган
Эгаси сен ўзинг, Эрк деган боғнинг.
Хуррият қийналиб кетдим деб бир кун
Чопонин елкага ташламас, билгин.
Сендан сўз сўраган чоғда Ҳақиқат
Тик туриб жавоб бер, сўнг ДАДИЛ бўлгин!

ОППОҚ ПАХТАЗОР БУ...

Оппоқ пахтазор бу — қутлуғ дастурхон,
Ям-яшил қўшиқлар аста тинади.
Эгатлар оралаб юрган аёлнинг
Ёрилган қўлида қуёш синади.

Қорайиб боради оппоқ далалар,
Чопилган тутлардай қолар мунғайиб.
Бир қуш уйқусини олар-олмасдан
Тонгларга кўринмай тун бўлар юйиб.

Энди уч оёқли тарозилар ҳам,
Елка тутиб турар уйган хирмонга.
Уларнинг юзлари ялтираб кетар
Бориб келавериш икки томонга...

ЙИҒЛАЁТГАН ДЎСТНИ АХТАРИБ...

Одил бува оламдан ўтди,
Саксон бирга қўйганда қадам.
Қолди фарзанд, қолди ҳовли-жой
Қолиб кетди Мажид дўсти ҳам.

Дейдиларки, марҳум лаҳадга
Қўйилганда ҳеч ким йиғламас.
Бир ҳовучдан тупроқ тўкдилар,
«Яхши одам» дедилар холос.

Ортга секин қайтган одамлар,
Бир овоздан сесканиб тушди.
Йиғлаётган Мажид буванинг
Ўксиғига нигоҳлар кўчди.

«О, дўстим-а, дўстим, дўстим-а...»
Бўғзидаги сўзи кесилди.
Етмиш йиллик қадрдонликлар
Бир қафт тупроқ билан тўсилди.

Дўсти йўқлар елка қисийди,
Дўсти борлар бошин эгдилар.
Яна битта қабр устига
Хотиралар имзо чекдилар.

Тўп-тўп бўлиб қайтар жамоат,
Йўлда қолган излар бетартиб.
Ҳаммалари қайтмоқда гўё,
Йиғлаётган дўстни ахтариб.

ТАШВИШ

Умид билан пайт пойлайсан,
Чаппасидан кетар деб иш.
Шодликларим қўли баланд,
Кўп овора бўлма, ТАШВИШ!

Синовларда гоҳ йиқилдим,
Чиқармадим лекин товуш.
Кўкрагимдан босолмадинг,
Йиқилганинг тан ол, ТАШВИШ!

Ҳамид НОРҚУЛ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАКАМЛАРГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Кейинги йилларда ўзбекис-
тонлик футбол ҳакамлари
ФИФА ҳамда Осиё футбол
конфедерацияси раҳбарияти
ишончини тўла оқламоқда.
Натижада ҳакамларимизга
халқаро майдонда кечаётган
нуфузли футбол мусобақала-
рини бошқариш ишониб топ-
ширилмоқда.

Истеъдодли ёш ҳакамлари-
миздан Р.Эрматов ўсмирлар
ўртасида ўтказилган жаҳон чем-
пионатида бир неча учрашувда
ҳакамлик қилган эди. Энди Р.Са-
идов ва В.Серазетдинов келаси
йили ўсмирлар ўртасида ўтқа-
зиладиган Осиё чемпионатида
қатнашиш учун саралаш гуруҳи-
да бўладиган ўйинларни бошқа-
ришга таклиф этилди. 7-сара-
лаш гуруҳининг ўйинлари 11-15
октябрь кунлари Эрон пойтахти
Теҳрон шаҳрида бўлади. Унда
Эрон, Тожикистон ва Туркменис-
тон ўсмирлар терма жамоалари
ўзаро куч синашади. Ана шу
ўйинларни Р.Саидов асосий ре-
фери сифатида бошқарса, В.Се-
разетдинов бош ҳакамга ёрдам-
чилик қилади.

Ў.А.

ОФИР АТЛЕТИКА РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Оғир атлетика бўйича Ўзбекис-
тон Кубоги баҳсларида 105 ки-
лограмм вазни А.Ўринов кайд
этган натижалар мутахассис-
лар эътиборини тортди.

Моҳир спортчи даст кўтариш-
да 190 килограмм ва икки ку-
рашда 400 килограмм тошни
кўтариб, Ўзбекистон рекордини
янгилади. Шуниси аҳамиятлики,
аввалги рекордлар ҳам А.Ўри-
новга тегишли эди.

Шунингдек, мусобақада Р.Ма-
талов, Б.Миндибоев, С.Раулов,
М.Тоғаев, Б.Усмонов, Ф.Ўразим-
бетов, И.Халилов сингари пол-
вонлар ўз вазн тоифасида голиб
чикдилар.

Ў.А.

Тошкент теннис марказида бир
ҳафта давом этган «Tashkent
Open» аёллар халқаро турнири-
да жаҳоннинг турли минтақа-
ларидан ташриф буюрган тен-
нисчилар 140 минг АҚШ долла-
ри миқдоридаги совин учун киз-
гин ва мурасасиз кураш олиб
боришди. Айтиш жоизки,
бу йилги турнир ишти-
рокчилари ҳам ўтган
йиллардаги каби жаҳон-
нинг етакчи теннисчи-
лари ҳисобланади.

Шу боис «Tashkent Open»
бизнинг кўплаб ёш теннисчи
қизларимиз учун халқаро тажри-
ба мактабини ўтади, десак хато
бўлмайди. Саралаш баҳсларида
ҳамюртларимиздан Элеонора
Сейтжелилова, Влада Екшибаро-
ва ҳамда Элина Арутюнова иш-
тирок этишди.

Элина саралаш баҳсларининг
биринчи босқичида россиялик
Ярослава Шведовани мағлуби-
ятга учратиб, иккинчи босқичда
иштирок этиш ҳуқуқини кўлга
киритган эди. Аммо тажрибасиз-
лик сабабли у яна бир россия-
лик теннисчи Людмила Скаврон-

«Tashkent Open»

ТАЖРИБА МАКТАБИ



скайга имкониятни бой берди.

Асосий сетда ўйнаган яна икки
вакилимиз Окгул Омонмуродова
ва Иванна Исроилова эса, мусо-
бақани эртароқ якунлашга маж-
бур бўлишди. Окгул турнирнинг
биринчи рақамли теннисчиси

венгриялик Петра Мандулага
қарши майдонга тушди. Учрашув
жиддий ва мурасасиз кечди.
Окгул ўз рақибидан олти ёш
кичик бўлишига қарамай, жиддий
қаршилиқ кўрсата олди.

Бироқ, Мандуланинг маҳорат

ва тажриба бобидаги устунлиги
вакилимизга имконият қолдир-
мади.

Иккинчи ишонган вакилимиз
Иванна Исроилова хитойлик Жие
Зинг билан баҳс олиб борди.
Жие Зинг Иваннани тез ва осон-
гина мағлуб этишни кўзлаган
эди. Аммо, ўйиннинг сўнгги да-
қиқаларига қадар ташаббус бир
Иванна томонига ўтса, бир хи-
тойлик теннисчи кўлида бўлди.
Лекин, барибир учрашув Жие
Зингнинг ғалабаси билан якун-
ланди.

Теннисчиларимиздан жуфтлик
учрашувларида ҳам омад юз
ўғирди. Дарил Кустава ҳамда
Елена Татарновага қарши корт-
га чиққан Окгул ва Иванна би-
ринчи сетни 2:6 ҳисобида мағ-
лубият билан якунлашди. Иккин-
чи сет ҳам рақиблар фойдасига
ҳал бўлди.

«Tashkent-Open» мусобақала-
рининг якуний натижалари би-
лан газетамизнинг навбатдаги
сонида танишасиз. Эртага тур-
нирнинг тантанали ёпилиш ма-
росими бўлади.

Хуруида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ФУТБОЛ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Шу йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон миллий терма жамоаси
келаси йили Хитойда бўладиган футбол бўйича Осиё чемпиона-
тида иштирок этиш учун саралаш беллашувларини бошлайди.

«А» гуруҳи – Ўзбекистон, Таиланд,
Тожикистон ва Сянганнинг биринчи
давра учрашувлари 6-10 ноябрь кун-
лари Тошкентда ўтказилади. Иккинчи
даврага Таиланд пойтахти – Бангкок
меzbонлик қилади.

Тўрт йил аввал ўтган қитъа чемпи-
онатида кўнгилдагидек натижага эри-
шолмаган терма жамоамиз энди фак-
кат юқори мақсадларни кўзлаб, сара-
лаш босқичига тайёргарликни жиддий
режа асосида олиб бораётгани кувона-
рли. Ўқув-машғулот йиғинларига
деярли барча легионерлар жалб
қилинмоқда. Бу ўз навбатида терма
жамоа аъзолари ўйин давомида бир-
бирини яхши тушунишига замин
бўлаётди.

Хусусан, бу мавсум Равшан Хай-
даров бошчилигидаги терма жамоа
Европа вакиллари – Беларус ҳамда
Латвия билан учта ўртоқлик учрашу-
ви ўтказди.

Гарчи Беларус билан Минскда 2:2,
Тошкентда 1:2 ҳисоби кайд этилган
бўлса-да, футболчиларимизнинг Лат-
вия терма жамоасига қарши ўтказган

учрашувдаги ўйини муҳлису мутахас-
сисларда яхши таассурот қолдирди.
Аниқ ва тезкор ўйин намойиш қилган
футболчиларимиз А.Акопянц, А.Соли-
ев ва А.Гейнрих урган голлар эвазига
латишлар устидан 3:0 ҳисобида ғала-
ба қозонганди.

Бу гал футболчиларимиз Осиёнинг
етақчи терма жамоаларидан бири –
Бирлашган Араб Амирликларига қар-
ши ўртоқлик учрашувда майдонга ту-
шади. Терма жамоа бош мураббийи
Р.Хайдаров 11 октябрь куни Дубайда
бўладиган ўйинга миллий чемпионат-
дан ташқари, Россия, Украина ва
Молдова клублари шарафини ҳимоя
қилаётган легионерларни ҳам жалб
қилди.

Жумладан, терма жамоамиз дар-
возасини кўриклаш учун учта дарво-
забон – А.Поляков («Крылья Советов»),
Е.Сафонов («Шинник») ва И.Нестеров
 («Пахтакор») қақиртирилди.

Ҳимоя чизиги эса легионерлар –
Б.Ашурматов («Торпедо-Металлург»),
А.Хвостунов («Черноморец» Одесса),



Н.Ширшов («Ростов»), С.Лушанга
 («Крылья Советов») топширилади.
Уларга пахтакорчилардан А.Аликулов
 ҳамда А.Николаев ёрдам беради.

Терма жамоа ярим ҳимояси, асо-
сан, миллий чемпионат пешқадами
 – «Пахтакор» футболчилари – Л.Ко-
 шелев, А.Солиев, С.Жепаков, Т.Ко-
 падзе, В.Кирияндан иборат. Лекин
 асосий таркибдан жой олиш учун бу
 ёш пахтакорчилар тажрибали футбол-
 чи М.Қосимов («Спартак-Алания»),
 А.Акопянц («Ростов») ва В.Карпенко
 («Шинник») билан рақобатда ўзини
 кўрсатиши лозим.

Хужумчилар А.Гейнрих («ЦСКА»),
 В.Шиселев («Зимбру») ҳамда пахта-
 корчи З.Тожиевдан эса рақиб дарво-
 засини ишғол қилиш талаб этилади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
Ў.А. шарҳловчиси.

КАРАТЭ

«ЖАР»ДА КУЧЛИЛАР САРАЛАНАДИ

10-12 октябрь кунлари
пойтахтимиздаги «Жар»
спорт-соғломлаштириш
мажмуида болалар ва
ўсмирлар ўртасида кара-
тэ бўйича Ўзбекистон
Кубоги мусобақалари
бўлиб ўтади.

Учинчи маротаба
ташқил этилаётган ушбу
турнирда юртимизда
фаолият юритаётган эл-
ликдан зиёд каратэ клу-
бда шарқона яккаку-
рашнинг мазкур турини
ўрганаётган мингга яқин
ёш спортчи қатнашади.
Мусобақа натижасига
кўра, ҳар томонлама
ўзини кўрсатган каратэ-
чилар жаҳон кубоги,
Осиё чемпионати ва ну-
фузли халқаро турнир-
ларда юртимиз шарафи-
ни ҳимоя қилиш учун
Ўзбекистон терма жамо-
асига саралаб олинади.

Ў.А.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида

2003 йил 24 сентябрь куни ўтказилган кимошди савдосида
Олмалик шаҳрида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектар
бўлган 7 та ер майдони 1260000 сўмга сотилди.

2003 йил 22, 24, 26 сентябрь кунлари ўтказилган биржа
савдосида Қибрай тумани ҳудудида жойлашган жами 7 та
нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами
1770000 сўмга, Қибрай, Паркент туманлари ва Ангрен шаҳри
ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат кўчмас мулк объектлари

жами 48052000 сўмга сотилди.

ДИҚҚАТ! 2003 йил 22 август куни бўлиб ўтган кимошди
савдосида сотилган Паркент тумани «Гулбоғ» ширкат хўжа-
лигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 2
та, яъни 13-, 14-ер майдонларининг савдо натижаси бекор
қилинди ва 2003 йил 22 октябрдан бошлаб қайтадан кимош-
ди савдосига чиқарилади. Ҳар бир ер майдонининг бошла-
нгич баҳоси — 73920 сўм.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент ви-
лоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 12, 19, 26
ноябрь, 3, 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00да
ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига так-
лиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар давлат солиқ
инспекциясига қарашли «Доган» S русумли, 1996 йил-
да ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АЕ 775 бўлган
автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 635 100 сўм.

2. Тошкент вилояти давлат ўсимлик карантин но-
зирлигига қарашли РАФ-2203 русумли, 1985 йилда
ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 689 бўлган
автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 955 900 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида
сотилмай қолган ёш савдо натижаси бекор қилинган
кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу
савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг
харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки
Давлат ордени олиш учун, мулк харид қиймати-
нинг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш
хизмат ҳақи алоҳида «Хususiyashtirishga ko'maklashish
konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асо-
сида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр
кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биноси-
нинг ўнг қаноти. Мурожаат учун телефонлар: 133-
28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.



«ДАВР САДОЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги ҳамда «Обод маҳалла йили»га бағишланган «Давр садолари» мусиқа фестивали бошланди. Уни Бас-такорлар уюшмаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтеледиорадиокомпания ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Фестивални ўтказишдан мақсад истиқлол йилларида мусиқа санъатининг турли жанр ва мавзуларида яратилган янги асарларни томошабинларга ҳавола этиш, ёшларни мумтоз ва янги асарлар билан таништиришдан иборатдир.

Икки ой давом этадиган мазкур фестиваль доирасида таълим муассасалари, маҳаллалар, театрлар ва турли мусиқа даргоҳларида концертлар, дара суҳбатлари, анжуманлар, сахна асарларининг тақдимоти бўлиб ўтади.

Ў.А.

ЗАМОН ФОТОУСТА НИГОҲИДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Бадий академия билан ҳамкорликда ташкил этган таниқли фотожурналист Рустам Шагаевнинг «Ўтмиш ва ҳозирги замон» мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Мамлакатимиздаги мазкур олий таълим даргоҳининг саксон беш йиллигига бағишланган ушбу кўргазмага қўйилган фотосуратларда илм-фанимиз одимлари, гўзал табиат манзаралари, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, меҳнатсевар ҳамюртларимиз сиймоси ўз аксини топган.

Ушбу университетни тамомлаган ва ҳозирги кунда ЎзАда фотомухбир бўлиб ишлаётган Р.Шагаевнинг асарлари хорижий давлатларда ўтган кўплаб нуфузли кўргазмаларда катта муваффақият билан намойиш этилган.

Ў.А.

Суд залидан

Эндигина йигирма тўрт ёшини қаршилаётган Исломбек ўз қилмиши оқибатида бахтига зомин бўлиб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳўш, у қандай қилиб бу жиноятга қўл урди?

Исломбек Бекобод туманига ўз шахсий иши билан бориб, бир йигит билан танишиб қолди. Гап қизигандан-қизиб, йигитнинг исми Муродилла эканлигини, қўшни Тожикистон қишлоқларидан бирида яшашини билиб олди.

Суҳбат орасида Исломбекка целлофанга ўралган «нарсани» узатиб: «Бу героин, уйингга олиб бориб, яшириб қўй, ўзим бир ҳафтадан кейин бориб оламан. Сенга ҳам фойдадан бераман», — деди. Бундай таклифни кутмаган Исломбек: «Бундай иш билан шуғулланмаганман, олиб кетишга кўрқаман», — деб рад жавобини берди. Шунда янги таниш: «Ўзбекистонликсан, паспорти бор, сени ҳеч ким ушламайди», — деб унга далда берди.

Исломбек таваккал қилди. «Ўлжа»ни қўлга олиб, йўловчи машиналарнинг бирида уйига, Чиноз тумани, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги, С. Айний номли бўлимга етиб олди. «Нарса»ни молхонанинг овлоқ жойига яширди.

Орадан уч ой вақт ўтибди ҳамки, Муродилладан дарак бўлмади. Исломбек «омонат»ни биронтасига сотмоқчи бўлиб, харидор излашга тушди.

Бир вақтлар Олмазор кўрғонидаги Алишер исмли йигитнинг ота-онаси ноқонуний савдо тўфайли қамалганини эшитганди. «Шу оила харидор топишга

ёрдам бериши мумкин», — деб, ҳеч иккиланмай уларниқига йўл олди. Алишер йигитчани онаси Насиба билан учраштириб, таништириб қўйди.

Аёл ўғли билан Исломбекларнинг уйига келиб, қоғозга ўралган «мол»ни олиб кетди. Эртаси куни аёл яна келиб, ундан келаси куни белгиланган жойга келишини сўради.

Исломбек айтилган манзилга

ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН «ЎЛЖА»

кечикмай етиб борди. Насиба опа: «Ҳозирча 30 минг топиб келдим, қолганини кечки пайт уйимга ўтсанг, олиб кетасан», — деди.

Кун оғиб, кеч бўлган пайтда Исломбек тоби қочиб, Алишерларниқига боролмади. Тонг отгач, пулдан беш минг сўм олдида, такси кира қилиб, йўлга тушди. Хонадонга етиб боргач, бироз кутишига тўғри келдими, ҳарқалай талай вақт ушланиб қолди.

Кутилмаганда Чиноз тумани ички ишлар ходимлари кириб келиб, Исломбекни ушлаб олишди. Ундан ашёвий далил сифатида олинган уч минг 400 сўмни ҳолислар иштирокида хатлашди. Сўров жараёнида ҳақиқатан ҳам

пулнинг қолганини уйига яшириб қўйганлигига иқрор бўлди. Шу тариқа тергов ишлари бошланиб кетди.

Исломбек опага гиёҳвандлик моддасининг ҳар бир граммини 9 минг сўмдан сотиб бериш учун топширганди. Иш бўйича ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, Насиба Қодирова туман ички ишлар бўлимига топширган модда героин гиёҳвандлик моддаси бўлиб, вазни 24,2 граммни ташкил этганлиги ўз исботини топди.

Билиб-билмай, мўмай пул илнжидида жиноят кўчасига кириб қолган Исломбек шу алфозда зулмат ичра қадам босиб, аянчли тақдирини ўзи белгилаб қўйганди.

Судда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, героин гиёҳвандлик воситаси кўп миқдорни ташкил этиши билан бирга жиноятчининг муқаддам судланмаганлиги, айбини енгилаштирувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинди.

Лекин, барибир жиноят жиноят-да, Исломбек Азизовга нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтashiлиги ҳукмда алоҳида қайд қилинди.

Равшан БЕКБОЕВ,
Тошкент вилояти
прокуратурасининг бўлим
прокурори, адлия катта
маслаҳатчиси.
Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Bolalik bog'i

YORQIN BO'YOQLAR

Stolga muk tushib
Kichkina ukam
G'aroyib suratlar
Chizmoqqa shoshar.
Tasvirlar o'ta jo'n,
Qo'pol bo'lsa ham,
Eng yorqin bo'yoqlar
O'rin talashar.

Dunyoni shu yorqin
Bo'yoqda ko'rar
Ukamning beg'ubor,
Nafis olami.
Stolning chetida
Mung'ayib turar
Shundanini, taroshlanmay
Qora qalaml.

Ne'mat DUSHAEV.

Ривоятлар

ЧАЁННИНГ ХУРМАТИ

Бир чаёндан: «Қишда нега ташқарига чиқмайсан?» — деб сўрашди. «Ёзда чиқиб нима хурмат кўрдиму, қишда нима хурмат кўрардим», — деб жавоб қилди чаён.

«ШУМ ЮЗИНГНИ КЎРМАСЛИК БАХТИ»

«Латофатнома»да нақл қилинишича, ўз даврида до-нишманд сифатида ном чиқарган Сайёр Аъмо (кўр) исмли бир кўзи ожиз киши бўларкан. Бир беодоб одам унинг олдига келиб:

— Тангри сенинг кўзингни олиб, ўрнига нима берди? — дебди.

— Сенинг шум юзингни кўрмаслик бахтини, — деб жавоб қилди Сайёр Аъмо.

ЭРКАККА ЎПТИРГАН ҚИЗ

— Сени менгача бирор эркак ўпганми? — деб сўради йигит ўзи уйланмоқчи бўлган қиздан.

— Ҳа, — деб жавоб қилди қиз.

— Ким эди у?! — ғазаб билан сўради йигит.

— Отам эди, кичкиналимда эркалатиб пешонамдан ўпганлар, — деб жавоб қилди қиз.

Шошқалоқ йигит хижолатдан ерга қараб қолди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Халқ табобати

Етмак бўйи 80 см.гача борадиган кўпйиллик ўтсимон ўсимликдир. Поялари жуда сершоҳ бўлиб, тик ўсади, яланғоч, оқиш ёки қизғиш. Барглари қарама-қарши жойлашган, узунлиги 1-2 см, яланғоч ёки ғади-будир. Гуллари майда, рўваксимон сербар тўпгул ҳосил қилади. Меваси — бир ёки икки уруғли думалоқ кўсакча. Уруғлари буйраксимон шаклда бўлиб, қизғиш-жигарранг тусда, узунлиги 2 мм.гача боради.

Июнь-августда гуллайди, уруғлари август-сентябрда етилади.

Табобатда етмакнинг ҳар хил турларидан нафас йўллари, йўтал билан ўтадиган касалликларда балғам кўчирувчи восита сифатида ва бадан терисидидаги яра-лар, жароҳатлар бўлганида буларнинг битишини тезлаштирадиган малҳам тариқасида фойдаланилади. Илди-злари микробларга қарши таъсир кўрсатиш хусусия-тига ҳам эга. Бундан ташқари, етмак илди-злари кўп ҳосил қилади. Масалликларни кўпайтирадиган восита тариқасида қандолатчиликда ҳам ишлатилади. Бу ўсим-ликнинг ҳар хил турларидан ҳозир тоза сапонинлар оли-нади.

Тайёрлаш усуллари: 1. Майдаланган етмак илди-злари 2 ош қошиқ олиб, 200 мл қайноқ сув қўйилади-да, 2 соат дамлаб қўйилади. Овқатдан 30 дақиқа илгари 1/3 стакандан кунига 3 маҳал ичилади. 2. 1 ош қошиқ майдаланган етмак илди-зи устига 2 ош қошиқ канакун-жут ёки пахта мойи қўйиб, яхшилаб қориштирилади. Даво учун яра ва жароҳатларга қўйилади.



Ўб-ҳаво



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 11 октябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим ҳудуд-ларда ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 3-13 метр тез-ликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 9-14 даража иссиқ бўлади.

Бизнинг индекс = 205

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲРИ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахриратни компьютер
марказида терилди ва
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.